



БАДИЙ ТИМСОЛЛАР ВА РАМЗЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИМКОНИАТЛАРИ

ҚАЛАНДАРОВ МИРЗАЖОН

Тадқиқотчи, ТошДШИ

Аннотация: Мақолада бугунги техника дунёси даврида матн ва овозли манбаларга, хусусан, классик бадиий адабиётга оид бадиий тимсоллар ва рамзларни таҳлил қилишда замонавий технология имкониятларининг ўрни, кўндаланг турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритилади. Маданиятлараро мулоқотни юзага келтиришда ахборот технологияларининг имкониятлари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: филология, замонавий адабиётшунослик, тил корпуси, конкорданс, частотали лугатлар, тил маҳзанлари, бадиий асарлар маҳзанлари, таржима матнлари маҳзанлари, аудио маҳзанлар, машина таржимаси.

Аннотация: В статье рассматривается роль современных технологий в анализе художественных образов, символов текстов и звуковых источников, в частности, образов и символов классической художественной литературы. Говорится о возможностях информационных технологий в развитии межкультурного диалога.

Ключевые слова: филология, современная литературоведение, языковой корпус, конкорданс, частотные словари, богатство языка, сокровищница художественной литературы, образцы перевода, аудио-базы, машинный перевод.

Abstract: The role of modern technologies in the analysis of and symbols of texts and sound sources, in particular, classical fiction in the modern technical world and actual problems, is considered. Speaking about the possibilities of information technologies in the development of intercultural dialogue.

Keywords: philology, modern literature studies, corpus, concordance, frequency dictionaries, language data, data for translation, audio data, auto translation

Бугунги ахборот технологиялари, хусусан, интернетнинг ривожланиши ҳаётнинг бошқа жабхалари орқали тилшунослик ва адабиётшунослик, қиёсий тилшунослик ва адабиётшунослик, таржима соҳаларидан тортиб адабиётшунослик объекти бўлмиш ижод маҳсули бадиий адабиётга ҳам таъсир қилди.

Тилшунослик соҳасида

Интернет сайтлари ҳамда илмий ва хусусий ташкилотларда жуда кўплаб тилга оид маълумотлар маҳзанлари шакллантирилди. Бу даставвал, offline – яъни компьютер дастурлари ёрдамида, компьютер хотираларида пайдо бўла бошлади. Интернет ривожланиши ва кейинчалик сунъий ақл (artificial intellect) ривожланиши

тилшунослик соҳасига ҳам янги талабларни қўймоқда.

Тил корпуслари борасида

Булар орасида энг катта салмоқни ташкил этувчиси тил корпусларидир. Тил корпуслари Оксфорд университети олимлари томонидан шакллантирилди.

Тил корпусларининг таркибий қисмларига асосан:

- турли услубларга оид материаллар, бадиий асарлардан тортиб, ҳуқуқий ҳужжатлар;
- аудиолаштирилган матнлар ва оғзаки нутққа хос материаллар ҳам аудио, ҳам уларнинг транскрипцион шакллари
- мумтоз матнлар (оригинал, табдил ва транскрипцион)

- таржима матнлар (оригинал ва таржима, гапма-гап даражасида тартибланган).

Биринчи йўналишга оид материаллардан, бадиий асарлар маҳзанлари интернет сайтларида биров шаклланди, лекин бу базалар ҳам асосан, классик матнлар бўлиб замонавий адабий жараёдаги асарлардан жуда камчилиги рақамли ҳолатда мавжуд, аммо бунини ёзувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда яратиш мумкин. Шунингдек, архив материалларидан, расмий идоравий ҳужжатларни ҳам жойлаштириш мумкин бўлади.

Бугунги кунгача илмий ишланган адабий нутқ фонетикасига оид ютуқлар мавжуд. Уларни адабий тилга оид материалларнинг овозли вариантлари (хусусан, аудио китоблар) орқали адабий тилдаги нутқнинг компьютер орқали ёзма шаклини яратиш учун хизмат қилади.

Бу йўналишдаги илк муваффақиятлар конкорданслар ва частотали луғатлар яратилган даврни таъкидлашимиз мумкин.

Эронда ва эрондан ташқаридаги эронийзабонлар томонидан яратилаётган адабий аудио китоблар орқали бунга имконият мавжуд.

Ундан ташқари, форс тилли бадиий асарлардаги Техрон лаҳжасига оид диалоглардаги матнларнинг берилиши ва уларнинг аудио китобларда ишлатилиши оғзаки адабий тил учун ҳам бу йўналишда кўп имкониятларни очиб беради.

Турли лаҳжаларга оид оғзаки нутққа оид транскрипцияли материалларини яратиш ўзбек форс тилларидаги базаларини яратиш олдинда турган вазифалардан биридир. Буларни яратиш тил вакиллари ижтимоий тармоқларда ёзма ва оғзаки чат гуруҳлар ёрдами (эронликларнинг ва ўзбекистонликлар фойдаланадиган асосий ижтимоий тармоқлари: telegram, facebook, twitter) дан фойдалаланиб яратиш мумкин.

Тил корпусларининг шарқшунсолик, хусусан, форс тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасидаги муштарак қилиниши керак бўлган ишлар талайгина:

Қўлёзма ва тошбасма манбалар бўйича:

Жуда катта қўлёзмалар манбаларни рақамлаштириш соҳасини ривожлантириш уларни ил-

мий жамоатчиликка осон улана олиш имконларини таҳлил қилиш бирламчи вазифалардандир.

Баъзи архивларнинг интернет орқали барчага имконият¹ яратиб бергани бугунги манбашунос илмий жамоа учун янги имкониятлар ва вазифаларни қўймоқда. Телеграм ижтимоий тармоқи орқали манбаларни каналлар орқали тарқатиш йўлга қўйилган. Масалан, *آرشیو بزرگ ایرانشناسی*² канали жуда кўплаб, баъзи кунлари мингдан ортиқ манбаларни (қўлёзма, тошбосма, танқидий матн) эълон қилади.

Лекин бу манбаларнинг баъзан қайси кутубхонадан ёки архивдан олинганлиги номуамлигича қолади, бу ҳолатда илмий ишнинг илмий апаратыни яратиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини бугунги кун шароитларига мослаштириш ҳалигача ҳал қилингани йўқ.

Барча манбалар бўйича:

Арабий, форсий, қадимги туркий манбалар бу ислом цивилизациясининг асосий манбалари бу йўналишдаги таъкидланаётган орқада қолиш, замонавий илмий жамоатчиликка интеграция қилишимиз учун зарур бўлган охириги технологиялардан фойдаланиш орқали уларни илмий қайта ишлаш орқали илмий муомалага олиб кириш зарурати туғилмоқда. Буларни амалга ошириш учун нималар қилишимиз керак деган табиий савол туғилади.

Араб ҳарфларини ўқишга мўлжалланган OCR дастурлари пайдо бўлганига кўп бўлмади, лекин бу дастурларнинг ўзбек тилига (хусусан, афғонистон ўзбеклари ёзувига, уйғур ёзувларига), айниқса манбаларни арабий, форсий, туркий рақамлаштира оладиган дастурлари ишлаб чиқиш;

Уларни умумий транскрипциясини яратиш, бу орқали турли алифболарига табдилини яратиш (бу орқали, форсий дарийча матнни тожик халқи, туркийча матнни бутун туркий халқлари учун катта имконият пайдо бўлади);

Уларнинг конкорданслари, частота луғатларини яратиш (бугунги кунда бу йўналишда анча муваффақиятларга эришилган, ТДШИ

¹ <http://www.archive.org>

² <http://telegram.me/joinchat/Bcu8qz8IRso62Skc7K75LQ>

институтда охирги йилларда олиб борилган тадқиқотлар, “Алишер Навоий “Хамса” дostonлари конкордансларини яратиш”, “Алишер Навоий “Хамса” дostonлари частотали луғатларини яратиш” лойиҳалари тажрибаларидан фойдаланиш, улар дуч келаётган муаммолар ва имкониятлар маҳзанларини шакллантириш (бу ҳақида жаҳон тажрибаси¹, туркий манбалар бўйича лойиҳа аъзолари Профессорлар - А.Қуронбеков², М.Имомназаров³ ва бошқаларнинг илмий таҳлиллари натижалари эълон қилинган);

Кейинги босқич, юқоридаги маҳзанлар асосида сўзларни сўз туркумлари, лексик семантик гуруҳларга ажратиш;

Юқоридаги маҳзанларни яратмасдан туриб интертекстуаллик, интердискурслик, маданиятлараро мулоқот, тил онтологияси, дунё тил манзараси (языковая картина мира) каби замонавий тилшунослик ва адабиётшунослик ўз олдига қўйган вазифалар ҳақида ишончли жавоб бера олмаймиз.

Бу йўналишда ислом дунёсига оид қилинган яхлит ишлардан бири Буюк британия Лидс университети corpuskoran лойиҳасини келтириш мумкин⁴.

Сунъий ақл (artificial intelligence)га араб форс ва туркий тилларни “ўргатиш” (охирги тил ютуқлари ва зарурий қўшимча чораларни кўрган ҳолда).

Бунга шунингдек, асрлар давомида ислом оламида шаклланган, бадий тил имкониятларини очувчи бадий санъатларни ўргатиш;

Мазкур юқорида саналган маҳзанлардан иборат платформани яратишда, албатта, сўнги технология ютуқларидан фойдаланиш керак бўлади.

Бугунги кунда интернет сайтлар маҳзанларидан фойдаланиш мумкин.

Бадий тимсоллар ва рамзларни таҳлил қилишда ўзбек ва хорижий филология соҳаси ва ахборот технологиялари аралаш ихтисосликлари (interdisciplinary)га янги илмий йўналишларни очмоқда.

Тил корпуслари орқали бадий тимсоллар ва рамзларни (рамзий маънода келган жумлалардан катта ҳажмли бадий асарларнинг маъно мазмуни) таҳлил қилганда конкорданс луғатлари ва частота луғатлардан сўзларнинг қайси матнда қайси маънода учрагани аниқлаштирилиш орқали уларнинг кўп маъноли сўзларнинг маъноларини, қайси семантик гуруҳларга оидлигини аниқлаш орқали уларнинг бошқа матнларга (параллел равишда) рамзий боғланганлигини англаш мумкин бўлади.

Лирик шеърлардаги бадий тимсол ва рамзлар маъноларини миф ва эртақлар, тарих, дostonлар (ундан олдинги ва замондош даврлар ижодкорлар дostonлари) шарҳлаш мумкин бўлади.

Ҳатто бирор бир шеърият даври айниқса, мусулмон шеърияти орқали тафаккурида кечган ўзгаришларни англашимизга имкон беради.

Тарих ҳақида “тарихни ғолиблар ёзади” қабилидаги гаплар орқали уни борица кўрсатишга чекланганлик бўлса, шеърият орқали инсонлар нимани ҳис қилганликларини аниқлаш мумкин бўлади. Янги технологияларнинг ривожланиши ҳозирги адабиётшунослик соҳасига нисбатан янги уфқларни очади.



¹ Бу ҳақида қаранг: Оксфорд тил корпуси лойиҳаси, Россия тил корпуси лойиҳаси, Корреалнинг Ҳофиз девони бўйича ишлаб чиқилган конкорданси...

² Kuranbekov A. Xamsa ummonidan qatralar. T.: Fan va texnologiyalar, - 2018

³ Imomnazarov M. Navoiyshunoslikka kirish. T.: TDSHI, - 2016

⁴ Corpus.koran.com